

НЕМИСЧА-ЎЗБЕКЧА ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИ ХУСУСИДА

Куванова Ш.О. (ҚарДУ)

Ҳозирда тилшуносликнинг бир бўлими сифатида қаралиб келинаётган лексикография аслида тилшуносликнинг ўзидан ҳам узоқроқ тарихга эга. Энг қадимий луғатлар – глоссарлар йигирма беш минг йил илгари яратилган бўлиб, улар кам қўлланадиган сўзларнинг тушунтирилишига бағишланган бир тиллик луғатлардан иборат бўлган. VI – VIII асрда санскрит тилида илк изоҳли луғатлар яратилган. Адабий тилларнинг шаклланиши якунланиб, янги ривожланиш босқичига кириши эса XVII аср бошига тўғри келган. Бу даврни замонавий луғатшунослик босқичи дейиш мумкин. XXI аср бошига келиб эса луғатшунослик ўзининг шаклан ва мазмунан бутунлай янги ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. XXI аср луғатлари полиграфик (қоғоз) шаклини сақлаган ҳолда электрон шаклини ўзгартириши билан ажралиб туради. Бу ҳолат эса луғатшунослар ва луғатлардан фойдаланувчилар учун қўшимча билим ва кўникмани талаб этади.

Янги давр луғатшунослар олдига ўзига хос талаблар қўймоқда. Маълумки, луғатлар шаклан ва мазмунан турлича бўлиб, бундай ўзига хосликлар уларнинг функцияларида ҳам ўз аксини топади. Кенг маънода луғатлар бир қатор функцияга эга. Улар маълум бир тилнинг луғат таркибини ўзида жамлаган ҳолда тилнинг ”ҳазинаси” вазифасини бажаради. Шунингдек луғатлар турли маълумот бериш, тил ўргатиш, норматив ва миллатлараро мулоқот функциясига ҳам эга.

Илмий тадқиқотлар бўйича жаҳон лексикография тарихида тармоқли ўқув луғатларини тузиш ва лексикасини ўрганиш 1960 йилдан то ҳозиргача катта ютуқларга эришиб келмоқда. П.Н. Денисов, Л.А.Новиков, Н.А. Баскаков, Н.К. Суханов, В.В. Морсковларнинг ўқув луғати бўйича қилган ишлари аниқ ва ибратлидир. Буюк лингвистлардан Л.В. Шчерба, Х. Касори, А.М Бабкин, В.А. Берков, П.Н Денисов, А.П.Ступин, С.Г. Бархударов, В.В.Виноградов,

Ю.Н.Караулов, Д.Б. Буранов, А.М.Буший, М.И.Умархўжаев,
Х.М.Тухтахўжаева ва бошқаларнинг тадқиқотлари бунга мисол бўла олади.

Ушбу тадқиқот иши доирасида „Олмон ўзбек лексикографияси тарихи“ га ”Немисча – русча – ўзбекча ўқув луғатлари тузиш принциплари“га асосан лингвистика ва лексикография соҳасига оид амалий ва назарий тадқиқот ишлари кўриб чиқилди. Бу борада ўтган асрда бир гуруҳ олимлар томонидан тузилиб, чоп этилган ”Немисча – ўзбекча ўқув луғати”^[1] Беньяминов Я.Р.,Мирсоатов Т.З.,Саидов.С.С.,Рустамбекова М. Р. Немисча –ўзбекча луғат.Тошкент: Ўқитувчи, 1985-145 б], ”Ўзбекча – немисча ўқув луғати” ни ^[2] Каримов Ш., Исмоилов Ю., Usbekisch-deutsches Wörterbuch. Тошкент:Нихол, 2011-115 б.] қайд этиш мумкин. Бу луғатлар ўқув соҳасига оид бўлган 15000 дан 25000 гача яқин атама ва тушунчаларни ўз ичига олган бўлиб, кейинги йиллар ичида ўзбек тилида яратилган адабиётларда ўз аксини топди. Бу луғатлар ўқув соҳасидаги ижобий ва салбий таъкидлаш билан бирга давлат тилида яратилаётган илмий адабиётларни таъминлаш учун етарли эмаслиги амалда сезилмоқда.

Бизнинг изланишларимизга кўра қуйидаги луғатлар таҳлил этилди: Я. Р. Беньяминов, Т.З.Мирсоатов, С.С.Саидов, М.С.Рустамбекова томонидан 1985 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча –ўзбекча луғат”,Я. Р. Беньяминов, С.С.Саидов томонидан 1991 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча –ўзбекча ўқув луғати”, Т.З.Мирсоатов, М.Сатторов томонидан 1992 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча – ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати”. Грамматик изоҳли луғат республикамиздаги олий ва ўрта мактаб немис тили ўқитувчи ва талабаларига кенг ўқувчилар оммасига тилшунослар , таржимонлар немис тили ва унинг грамматикасига қизиқувчиларга мўлжалланган ва 800 га яқин грамматик терминларни ўз ичига олади. Луғатга асосан грамматика фани соҳасида энг кўп ишлатиладиган, жумладан немис тили назарий ва амалий грамматикасида кенг қўлланадиган терминлар киритилган. Ундан ташқари луғатда немис тили тарихи, роман – герман филологияси, қиёсий типология, умумий тилшунослик, фанларига оид ва немис тили грамматикасига алоқаси

бўлган умумий терминлар ҳам киритилган.[³ Мирсоатов Т.З., Сатторо .М. Немисча –ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи , 1992-5 б] Албатта бу луғатни тузишда муаллифлар Республикада ва хорижда нашр этилган уч тилдаги (немис, рус ва ўзбек тиллари) лингвистик адабиётлардан фойдаланганлар. Изоҳли луғатда грамматик терминлар олдин немисча, катъий алфавит асосида , уларнинг муқобил (эквивалент) вариантлари ва таърифлари қисқа изоҳланган ҳолда ўзбек тилида берилган. Баъзи қийин грамматик ҳодиса ва терминларнинг тушунтирилишини енгиллаштириш мақсадида, улар мисоллар билан бойитилган. Рус тилида ёзилган грамматик ва лексикографик адабиётлардан фойдаланишни, шунингдек русча ва немисча, русча ва ўзбекча терминларнинг муқобил (эквивалент)ларини тўғри белгилаб олишни осонлаштириш, шу уч тилдаги грамматик терминлар ва уларнинг моҳиятларини қиёслаб ўрганишни енгиллаштириш мақсадида луғатга немисча терминлар рўйхати русча муқобиллар билан биргаликда илова қилинган. Грамматик терминларнинг родлари *der-m*, *das-n*, *die-f* белгилари орқали кўрсатилиб, улар шу терминни *m* – мужской род, *n*-средний род, *f*– женский родга мансуб эканлигини билдиради. Бу белгилар отдан олдин қўшиб ўқилади: *der Ablaut*, *das Adverb*, *die Kopula*. [³Ўша адабиёт] Немис тилидаги грамматик терминлардан кейин шу терминнинг ўзбек тилидаги кенг маъноли муқобили келтирилган ва шу терминга ўзбек тилига изоҳ берилган. Изоҳлар немис тилига оид мисоллар орқали аниқлаштирилган. Республикада бу каби луғат ягона бўлганлиги сабабли ҳам бу луғат немис тилини ўрганувчиларнинг эҳтиёжини маълум даражада қондирди ва немис тили грамматикасини яхшироқ ўрганишга ҳисса қўшиб келмоқда.

1994 йилда Тошкент ”Қомуслар бош таҳририяти” да чоп этилган Д. Рашидова, С.Ҳасанханова, Т.А. Юрковаларнинг ” Немисча –русча - ўзбекча луғат” иқтисод, тарих, фалсафа, сиёсат, социология, халқаро алоқалар, таълим ва матбуот олами учун кичкина уч тилли махсус луғатни ҳамда Мухтор Умархўжаев, Қаббарали Назаров томонидан 1994 йилда ”Ўқитувчи ”

нашриётида чоп этилган “Немисча –русча - ўзбекча фразеологик луғат”ни ҳам келтириб ўтиш мумкин..

Я.Р.Беняминов, С.С.Саидов томонидан 1991 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча –ўзбекча ўқув луғати” ҳар иккала тилга доир бўлган 16 минг сўз ва ибораларни ўз ичига олган. Луғатга киритилган сўз ва ибораларнинг 60 % мактаб ва олий ўқув юрти ҳаёти , ўқиш, ўқитиш улардаги ижтимоий ташкилотлар, мактаб ва олий ўқув юрти ислохотлари ва улардан келиб чиқадиган талаб ҳамда вазифалар , спорт ёшлар ҳаракатлари ишлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ. Ўқувчиларга осон бўлиши учун сўзларнинг 90 % га яқини мисоллар билан берилган, аммо бу ҳолатда ҳам Я.Р.Беняминов, Т.З.Мирсоатов, С.С.Саидов, М.С.Рустамбекова томонидан 1985 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча – ўзбекча луғати” га таянилган, мисоллар ўзгартирилмаган. Мисолсиз, фақат таржимаси берилган сўзлар эса ўқувчиларга қийинчилик туғдирмайди. Китобхоннинг ўзи бемалол улар ёрдамида мисоллар тузиши мумкин. Луғатнинг ҳажм жиҳатдан чегараланганлигидан , сўзларнинг кўчма маънода кўлланиши деярли берилмаган. Аммо ижобий томони деб шуни айтиш мумкинки, немисча- ўзбекча сўз ва ибораларнинг муқобил эквивалентларини танлаб олишга алоҳида эътибор берилган. Баъзи бир сўзларнинг маъносини кенгроқ очиб бериш мақсадида ҳар иккала тилда ҳам уларнинг бир неча вариантлари берилган.

Биринчи айтиб ўтилган Я.Р.Беняминов, Т.З.Мирсоатов, С.С.Саидов, М.С.Рустамбековаларнинг “Немисча –ўзбекча луғат” кенг кўламли бўлиб, у Я.Р.Беняминов, С.С.Саидов томонидан 1991 йилда ”Ўқитувчи ” нашриётида чоп этилган “Немисча –ўзбекча ўқув луғати”ига бевосита таъсир кўрсатган. Уни текст чегара структураси айнан қуйида айтиб ўтиладиган элементларни ўз ичига олади.

Отлар алмашинадиган жой ва сўнгги жой.

Алмаштириладиган отлар бевосита қуйидаги текст конструктсиясидан иборат.

- Сарлавҳа жой
- Орқага қайтиш саҳифа
- муқаддима
- фойдаланиш кўрсатмалари
- кирил алфавитининг талаффузи учун жадвал

Сўнги қатор бевосита қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Бошланғич бир текст алфавит структурасида ёзув билан ”Географик номлар.”
- Бошланғич луғат китоб грамматикаси. (Кучли ва нотўғри тусланадиган феъллар жадвалидан иборат)
- Фойдаланилган луғат китоблар рўйхати.

Асосий бошланғич структура алфавит тарзида айнан барча номлар бўлинган номлар сифатида чап томонидан қўйилган. Биринчи сўз типография белгиси « ~ » билан боғланади. Бу мисол тарзида пойма-пой берилган.

Preis *m* 1. нарх, наво 2. мукофот, соврин

~**bestimmung** *f* баҳолаш, нарх қўйиш

~**erhöhung** *f* нархнинг кўтарилиши

~**ermäßigung** *f* нархнинг пасайиши

~**kontrolle** *f* нархни назорат қилиш

Preispolitik *f* нарх – наво сиёсати

Preistreiber *m* олиб сотар, чайқовчи” [1 Ўша адабиёт]

Бу ерда қўйиладиган савол шундайки: Нима учун “**Preispolitik**” ва “**Preistreiber**” сўзлари ярим сўз ~ **politik** ва ~ **treiber** шаклида эмас тўла сўз сифатида бериляпти. Сўзларни қўшишда тез-тез хатоликларга йўл қўйилган. Солиштириб кўрамиз.

Pflaume *f* *бот* олхўри

~ **baum** *m* олхўри дарахти

~**kern** *m* олхўри данаги

~**kompott** *n* олхўри компоти [1 Ўша адабиёт]

Учала сўз қўшилишида ҳам масалан: ~ **n baum** тушиб қолган.

Худди шундай хатолар Я.Р.Беняминов, С.С.Саидов томонидан тузилган “Немисча –ўзбекча ўқув луғати” нинг 206 саҳифасида кўриш мумкин.

Я. Р. Беняминов, Т.З.Мирсоатов, С.С.Саидов, М.С.Рустамбековаларнинг “Немисча –ўзбекча луғат” да [1 Ўша адабиёт] ҳозирги замон немис тили лексик бирликларига 7 % (ҳаттоки ундан ҳам юқорироқ 10%) эътибор қаратилган. Барча отларда турланиш белгиси ёки турланиш намуна белгиси кўрсатиб берувчи восита сифатидаги белгилар тушиб қолган. Ўзбек тилида бирлик ва кўплик учун фақат битта турланиш системаси бўлгани немис тилини ўрганаётган талабага отларнинг турланиши қийинчилик олиб келади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу луғатда феълларнинг қабул қилинган (кучли ва кучсиз) морфологик классификацияси эмас, балки синтактик классификацияси кўпгина феълларда (ўтимли ва ўтимсизлик белгилари) тушиб қолган, аммо шуни қайд этиш лозимки, бу луғатда нисбатан предлоглар ва уларнинг бошқаруви кетма-кет жойлаштирилганлиги тўғри берилган. Аммо фразеологизмлар нисбатан кам берилган, мисоллар аралаштириб юборилган ва таҳлил этилмаган ҳамда кўрсатилмаган.

Маълумки, Ўзбекистон немис тилини чет тили сифатида ўрганадиган мамлакатлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Немис тилини ўрганадиганлар сони жиҳатдан Ўзбекистон Россия, Украина, Полшадан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Луғатшунослик соҳасида эса, тан олиш лозимки, мақтовга сазавор ютуқларга эришилмаган. Ўзбек германистикасида эса бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар йиғилиб қолган. Афсуски, ҳозир ҳам изланишлар кам. Бизнинг назаримизда 50 минг ва ундан ортиқ сўзни ўзида жамлаган “Немисча - ўзбекча”, “Ўзбекча – немисча луғат” яратиш вақти келди. Бундан ташқари ҳар икки тилга оид турли соҳа луғатлари, атамашунослик луғатлари ва электрон луғатлар яратиш давр талабига айланган. Бунинг учун салоҳиятли мутахассислар ҳам, иқтидорли ёшлар ҳам, имкониятлар ҳам етарли. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш ва замонавий луғатлар яратишга ҳисса қўшиш барчамизнинг вазифамиздир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада немис тилшунослигида ўқув луғатларининг тутган ўрни таҳлил этилган. Таҳлил натижалари мисоллар билан бойитилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется место учебных словарей в немецком языкознании. Результаты анализа обогащены примерами.

SUMMARY

This article analyses the importance of learning dictionary in German linguistics. The results of analysis are given with examples

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Левковская К.А. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М.: Вьсшая школа, 1968. - 320 ст.
2. Беньяминов Я.Р., Мирсоатов Т.З., Саидов С.С., Рустамбекова М. Р. Немисча –ўзбекча луғат. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985. -346 б.
3. Беньяминов Я.Р., Саидов С.С. Немисча–ўзбекча ўқув луғат. - Тошкент: Ўқитувчи , 1991. -396 б.
4. Мирсоатов Т.З., Сатторов М. Немисча –ўзбекча грамматик атамалар изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи , 1992. -150 б.
5. Рашидова Д., Ҳасанханова С., Юркова Т.А. Немисча –русча - ўзбекча луғат. - Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. - 168 б.
6. Бутаев З., Исмоилов Ю., Каримов Ш. Deutsch-usbekisches Wörterbuch. - Тошкент: Фан, 2007. -252 б.
7. Каримов Ш., Исмоилов Ю., Usbekisch-deutsches Wörterbuch. -Тошкент: Ниҳол, 2011. - 224 б.
8. Умархўжаев М., Назаров Қ., Немисча –русча - ўзбекча фразеологик луғат. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 158 б.